

«MA'QULLANGAN»
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
«Dori vositalari va tibbiy buyumlar va
tibbiy texnika ekspertizasi va
standartizatsiyasi davlat markazi»
Davlat unitar korxonasi
«10» yanvar 2018 y. № 1

Илова-варақа: пациент учун маълумот

“Гербион® сироп плюща”

Печак баргларининг қуруқ экстракти

Балғам кўчирувчи восита

Ушбу препаратни қўллашни бошлишдан олдин илова-варақанинг барча бўлимларини диққат билан ўқиб чиқинг, чунки унда Сиз учун мухим маълумот сақланади.

Ушбу препаратни ҳамиша ҳудди илова-варақада ёзилганидек, ёки Сизнинг шифокорингиз ёки фармацевт тавсия этганидек қабул қилинг.

- Ушбу варақани сақлаб қўйинг. Эҳтимол, Сизга уни яна ўқиб чиқишга тўғри келиши мумкин.
- Агар Сизда бирор-бир қўшимча саволлар туғилса, фармацевтга мурожаат қилинг.
- Ҳар қандай ножӯя самаралар пайдо бўлганида, ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан боғланинг. Бу ушбу илова-варақада кўрсатилмаган, бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ножӯя самараларга тааллуклидир. 4-бўлимга қаранг.
- 7 кундан кейин аҳволингизни яхшиланиши кузатилмаса ёки оғирлашса, Сиз шифокорга мурожаат қилишингиз керак.

Ушбу илова-варақада қандай маълумот сақланади:

1. “Гербион® сироп плюща” препарати ўзи нима, ва у нима учун қўлланади.
2. “Гербион® сироп плюща” препаратини қўллашдан олдин, Сиз нималарни билишингиз керак.
3. “Гербион® сироп плюща” препарати қандай қабул қилинади.
4. Бўлиши мумкин бўлган ножӯя самаралари.
5. “Гербион® сироп плюща” препаратини қандай сақлаш керак.
6. Ўрам ичидагиси ва бошқа маълумотлар.

1. “Гербион® сироп плюща” препарати ўзи нима ва у нима учун қўлланади

“Гербион® сироп плюща” таркибида печак баргларининг қуруқ экстрактини саклади.

“Гербион® сироп плюща” препарати ўсимликлардан олинадиган дори препарати бўлиб, балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланади:

- йўтал, балғамни кўп ҳосил бўлиши ва нафасни қийинлашиши билан бирга кечувчи нафас йўлларининг ўткир яллиғланиш касалликлари;
- бронхларнинг сурункали яллиғланиш касалликларини зўрайиш симптомларини енгиллаштириш учун қўлланади.

2. “Гербион® сироп плюща” препаратини қўллашдан олдин, Сиз нималарни билишингиз керак

“Гербион® сироп плюща” препаратини қабул қилманг:

- агар Сизда печак баргларининг экстрактига, *Аралиев* оиласига мансуб бошқа ўсимликларида (печак) ёки ушбу препаратнинг бирор-бир бошқа компонентига (6 бўлимда санаб ўтилган) аллергия бўлса, препаратни қабул қилманг.

Махсус кўрсатмалар

“Гербион® сироп плюща” препаратини қабул қилишдан олдин ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

- Нафас олишни қийинлашиши, иситма ёки йирингли (йиринг сақловчи) балғам пайдо бўлганида, ўз шифокорингизга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.
- Препаратни қабул қилиш бошланганидан сўнг 7 кун ўтгач, симптомларни енгиллашиши кузатилмаса, Сиз шифокорга мурожаат қилишингиз керак.
- Ушбу препаратни шифокорнинг тавсиясисиз, йўтални сусайтирадиган препаратлар (таркибида кодеин ёки декстрометорфан сақловчи йўталга қарши препаратлар) билан бирга қўллаш тавсия этилмайди.
- Агар Сизда меъда касаллиги (гастрит, меъда яраси) бўлса, препаратни эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

Болалар

Турғун ёки вақти-вақти билан кузатиладиган йўтал билан хасталанган 4 ёшгacha бўлган болаларда препарат билан даволашни бошлашдан олдин ташхисни аниқлаш керак.

Бошқа препаратлар ва “Гербион® сироп плюща” препарати

Агар Сиз ҳар қандай бошқа дори воситаларини қабул қилаётган, яқинда қабул қилган ёки қабул қилишингиз мумкин бўлса, ўз шифокорингиз ёки фармацевтга хабар беринг.

“Гербион® сироп плюща” препаратини бошқа препаратларнинг самарасига таъсири кузатилмаган.

“Гербион® сироп плюща” препаратини овқат ва ичимликлар билан бирга қабул қилиш

Сиз Гербион® сироп плюща препаратини овқатланишдан қатъий назар, қабул қилишингиз мумкин.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даври

Агар Сиз ҳомиладор бўлсангиз, бола эмизаётган бўлсангиз, ҳомиладорман деб тахмин қилсангиз, ёки агар Сиз ҳомиладор бўлишни режалаштирган бўлсангиз, ушбу препаратни қўллашдан олдин ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Ҳомиладор аёлларда ва эмизаётган оналарда печак баргларининг қуруқ экстрактини қўллаш бўйича маълумотлар етарли бўлмаганилиги туфайли, ҳомиладорлик ва эмизиш вақтида “Гербион® сироп плюща” препаратини қўллаш тавсия этилмайди.

Транспорт воситаларини бошқариш ва механизmlар билан ишлаш қобилиятига таъсири

Транспорт воситаларини бошқариш ва механизmlар билан ишлаш қобилиятига препаратнинг таъсирини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар ўтказилмаган.

“Гербион® сироп плюща” препаратини транспорт воситаларини бошқариш ва механизmlар билан ишлаш қобилиятига таъсири кузатилмаган.

“Гербион® сироп плюща” препарати таркибида сорбитол (E420) ва этанол сақлайди

Агар шифокорингиз Сизда айrim қандларни ўзлаштиромаслик борлиги хақида хабар берган бўлса, ушбу дори препаратини қўллашдан олдин шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

Ушбу препарат таркибида оз миқдорда 100 мг дан кам дозада этанол (спирт) сақлайди.

3. “Гербион® сироп плюща” препарати қандай қабул қилинади

Ушбу препаратни доимо айнан шифокорингиз ёки фармацевт тавсия этганидек қабул қилинг. Агар Сиз бирор нарсага ишонмасангиз, ўз шифокорингиз ёки фармацевтдан аниқланг.

Катталар ва 12 ёшдан ошган ўсмирлар учун одатдаги доза 5 - 7,5 мл сиропдан кунига 3 маҳал қабул қилинади.

Болаларда қўлланиши

4 дан 12 ёшдагача бўлган болалар учун одатдаги доза 5 мл сиропдан кунига 3 маҳал қабул қилинади.

1 дан 4 ёшдаги бўлган болалар учун одатдаги доза 2,5 мл сиропдан кунига 3 маҳал қабул қилинади.

1 ёшгача бўлган гўдаклар учун одатдаги доза 2,5 мл сиропдан кунига 2 маҳал қабул қилинади.

Сиропни эрталаб ёки куннинг иккинчи ярмининг бошида қабул қилинг. Сиз уни овқатланишдан қатъий назар қабул қилишингиз мумкин.

Сиз “Гербион® сироп плюща” препаратини қабул қилиш вақтида сув ёки таркибида кофеин сақламаган илиқ ичимликларни истеъмол қилишингиз керак.

Даволаш давомийлиги касаллик характери ва оғирлигига боғлиқ ва одатда 7 кунни ташкил этади. Препаратни касалликнинг клиник белгилари йўқолганидан сўнг яна 2-3 кун давомида қабул қилиш тавсия этилади.

Ушбу препаратни қабул қилиш вақтида касалликнинг симптомлари бир ҳафтадан ортиқ сақланиб турса, ўз шифокорингизга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

“Гербион® сироп плюща” препарати билан даволаниш даврида етарли микдорда суюқлик истеъмол қилиш тавсия этилади.

Агар Сиз “Гербион® сироп плюща” препаратини керагидан ортиқ дозада қабул қилган бўлсангиз

Тавсия этилган дозаларни оширманг. Препаратни тавсия этилган дозалардан ортиқ дозаларда қабул қилиш (суткалик дозани икки баробардан кўпроқ ошириш) кўнгил айниши, кусиш, диарея ва қўзгалувчанликни чакиради. Даволаш симптоматик бўлади.

Агар Сиз “Гербион® сироп плюща” препаратини қабул қилишни унугтан бўлсангиз
Ўтказиб юборилган дозани компенсация қилиш мақсадида икки баробар катта дозани қабул қилманг.

Агар навбатдаги режалаштирилган дозани қабул қилиш вақти яқинлашган бўлмаса, ўтказиб юборилган дозани имкон борича тезроқ қабул қилинг. Бундай ҳолатда ўтказиб юборилган дозани қабул қилманг.

Агар Сизда ушбу препаратни қўллаш юзасидан қандайдир саволлар туғилган бўлса, ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан боғланинг.

4. Бўлиши мумкин бўлган ножўя самаралари

Барча дори препаратлари сингари, ушбу препарат ҳам, гарчи ҳаммада ҳам пайдо бўлмасада, ножўя самараларни чақириши мумкин.

Тез-тез учрайдиган (10 одамдан кўпи билан 1 нафарида юз берииши мумкин) ножўя самаралар:

– кўнгил айниши, кусиш, диарея.

Тез-тез учрамайдиган (100 одамдан кўпи билан 1 нафарида юз берииши мумкин) ножўя самаралар:

– эшакеми, тошма қўринишида намоён бўлувчи аллергик реакция, капиллярларнинг, , асосан юз ва бурундаги капиллярларнинг бутунлигини бузилиши (купероз) ва нафас олишни қийинлашиши.

Аллергик реакция ривожланганида препаратни қабул қилишни тўхтатинг ва шифокорингизга мурожаат қилинг.

5. “Гербион® сироп плюща” препаратини қандай сақлаш керак

Ушбу препаратни болалар ололмайдиган жойда сақланг.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг препаратни қўлламанг.

Яроқлилик муддати тугаш санаси кўрсатилган ойнинг охирги кунига тўғри келади.

30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансан. Советтичда сақланмасин.

Флакон очилганидан кейин сиропни 3 ой давомида ишлатиш керак.

Дори воситаларини канализацияга ёки майший чиқиндила билан бирга ташламанг.

Кераксиз препаратни қандай утилизация қилишни фармацевтдан билиб олинг. Бу чоралар атроф муҳитни ҳимоя қилишга ёрдам беради.

6. Ўрам ичидағиси ва бошқа маълумотлар

“Гербион® сироп плюща” препарати нима сақлайди

- *Таъсир этувчи модда:* печак баргларининг қуруқ экстракти. 1 мл сироп 7 мг печак баргларининг қуруқ экстракти (*Hedera helix L., folium*) (5-7,5:1) сақлайди.
Экстрагент: 30% ли этанол (м/м).
- *Ёрдамчи моддалар:* суюқ сорбитол (кристалланмаган) (E420), глицерол (E422), натрий бензоати (E211), лимон кислотаси моногидрати (E330), хушбўй бальзам (пропиленгликоль, этанол, цитронелл мойи, цитраль, лимон мойи, кориандр мойидан таркиб топган), тозаланган сув. 2 бўлимдаги “Гербион® сироп плюща” препарати таркибида сорбитол (E420) ва этанол сақлайди” бўлимига қаранг.

“Гербион® сироп плюща” препаратининг ташқи кўриниши ва ўрам ичидағиси

Ўзига хос ҳидли ва таъмли сарғиш-жигарранг рангли сироп. Ўсимликлардан олинган моддалар учун хос бўлган чўкма ҳосил бўлиши мумкин.

Сироп 150 мг дан тўқ рангли шиша флаконда, суюқликни тақсимлаш учун пластмасса тикин ва биринчи марта очиш назорати бўлган пластик копқоқча билан ёпилган.

1 флакон пластик ўлчов қошиғи ва илова-варақа билан бирга картон қутида.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз берилади.

Ишлаб чиқарувчи

КРКА, д.д., Ново место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения.

Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“КРКА, д.д., Ново место” Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14

Тел.: +99871 150 2828, +99871 150 2929, телефон: +99871 150 1044